



# АЗИЗ ВАТАНИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК, УЛУҒЛАЙЛИК!

# ДУШКЕНТ ХАЖИКАТИ

• № 65 (10.642).

1994 йил  
3 сентябрь  
шанба

Сотувда  
эркин нархда

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

## МУСТАКИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!



Мустақиллик майдони... Бугун — Истиқлол байрами кунда Бош майдон янада маҳобат ва шукх касб этган. Майдон марказида ўрнатилган олтинсимон муаззам курадаги Ўзбекистон харитаси ва ундан куйроқдаги ҳумоқуш суратли давлатимиз Герби хилма-хил чироқлар нурда жонбали товланади. Ҳар еқда байроқлар ва аллонлар хилпираб, дилларга шодмена рух бағишлайди.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, Бош вазир Абдулхошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмомил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кириб келади.

Майдондан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган меҳмонлар, шунингдек, Тошкентдаги хоржий мамлакатлар эл-чиноналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатоналари вакиллари жой олган.

Соат 19.30. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов байрам катнашчиларига ва уллар сиймосида бутун ўзбек халқига қарата табрик нутқи сўзлайди:

— Азиз ватандошлар! Мухтарам юртодошлар! Сизларни буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Ана шу кутлуг айёмада ватаним деб, элим деб, бугунги овоз Ўзбекистон учун ҳаётини — жонини фидо қилганларни ёд этиш, улуг аждодларимизнинг руҳларини шод қилиш барчамизнинг ирсоний бурчимиз деб биламан.

Ушбу муборак кунда улуг тарих ва маънавият эгаси бўлмиш, мустақиллик учун кураш йўлида не-не аёвсиз бўронларни бошидан кечирган, бугунги машаққатли синовларга мардона бардош бераётган сабр-тоқатли, матонатли ва доно халқимизга таъзим қиламан. Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзинимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину динанат, меҳру оқибатни қарор топдиришдир.

Биз учун мустақиллик — Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрат, салоҳияти, қлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажақ авлодлар учун овоз ва обод ватан

қолдиришдир.

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шаъратини қўтаридиган соғлом аялдин, ҳар жиҳатдан барқамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, улари воёга етказиш ва бахтини қўришдир. Ҳар бир фуқароимиз учун — миллати, ирки ва диний эътиқодидан қатъий назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустақамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

— Шу мақсадларга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиш, ўз тақдирини ватан тақдирини билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор.

Азиз дўстлар!

Она юртимиз учун, унинг порлоқ келажаги учун барча эзгу ниятларимизни бахшда этайлик!

Азиз ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик!

Ватанимиз олдда ўз ирсоний ва фуқаролик бурчимизни сидқидилдан бажо келтирайлик!

Илоҳим, халқимизнинг тинчлиги ва тотуялигига қўз теғмасин, хонадонимиздан фаёз, қут-бароқа аримасин!

Мустақиллигимиз боқий бўлсин!


Шу муқаддас мақсадлар йўлида бизга парвардигорнинг ўзи мададкор бўлсин!

Майдон узра Ўзбекистон мадҳисини янграйди. Самода давлатимиз байроғи хилпирайдди. Мушаклар отилади. Байрам ахли ёққа қалқиди. Миллий мадҳиямизнинг оташин навоси осмонни еритаётган ранг-баранг учкунлар мисол қалбларни чўлғантиради, дилни ифтихорга тўлдирди. Бу янглиг хаяжонли сонияларда тантанана иштирок этаётган ҳар бир одам буюк давлат — Ўзбекистон фуқароси эканидан чеқсиз фахр хиссини туйди.

Байрам тантаналари бошланади.

Ҳа, мўътабар дегиримиз, буюк халқимиз муқаддас истиқлолнинг уч йиллик шонли тўйини нишонламоқда. Уч йил, балким, теран мазий олдда лаҳзадай гапдир. Аммо, Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун бу ҳисоб кичкина эмас. Зотан, ана шу уч йил бизни катта синовлардан ўтказди. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқонларга ер бериш каби соҳаларда гоъ улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Юртимиз жаҳонга қўз туйди. Ўз овозимизга эга бўлдик, ўрнимизни топдик. Жаҳон билан борли-қелимиз мустақам-ланмоқда. Шу дарв мубайнда давлатчилигимизнинг муқаддас рамзлари — Байроқ, Герб, Мадҳия, Конституциямиз қабул қилинди. Янгидагина эса мустақиллигимизнинг яна бир тими соли — миллий валюта — сўмимиз муомалага киритилди.

Мустақиллик — ҳурлик, эркинлик, ўзига беқлик, демак. Ўзига бек бўлмоқ халқимизнинг (Давоми 2-бетда).



## ЮРТИМ БЎЙЛАБ КЕЗАР ИСТИҚЛОЛ РУҲИ

Мамлакатимиз пойтахтининг Мустақиллик майдонидан бошланган байрам тантаналари эртасига республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб давом этди.

**ТОШКЕНТ МУСТАКИЛЛИК МАЙДОНИ.** Истиқлол номи билан аталувчи бош майдон эрта тонданок тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари билан тавжум бўлди. Байрам либосига бурканган майдон узра миллий байроғимиз мағрур хилпираб, қалбларга шукх бахш этади. Миллий рамзларимиз тўширилган улкан ҳаво шарлари ва улларга етишга интилаётган шаффоф фавворалар байрам тантаналарига ўзгача хусн бериб турибди.

Соат 10. Анъанавий карнай-сурнай садолари янграйди. Одамлар оқимини нияҳояси йўқдек. Майдондаги катта сахнада Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармониясининг жамоалари байрам концертини бошлаб берди. Дастлаб "Шодлик", сўнгра "Зарафшон", "Лағзи" ва уйгур ансамбли санъаткорлари халқ хизматига бўлди.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ.** Улуг бобоим Навоийнинг муаззам хайкали пойдоғли икки чарчалак қурран азим янглиг тинчсиз айланади. Ватан ва миллат деган тўшунчаларнинг боқийлигини таъкидлаётгандек бўлади. Шоир зияратига келган гурас-гурас сайлчиларнинг чеҳрасида балқитан қувонч ҳам шундан дарак беради. Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номи макомчилар ансамбли хонандаларининг хоншлари эса дилларга сурур бағишлайди.

Сайлчилар зияратдан сўнг миллий бог сари йўл олади. Бог ўртасидаги қўлда бўлаётган қайиқчилар мусобақаси, еш ихтирочиларнинг турли қўрамазлари ва бошқа қизиқарли томошалар, айниқса, "Водил чинори" номи миллий цирк гуруҳи, полковлар, дорбозлар маҳорати, Самарқанд вилоятдан келган халқ фольклор ансамблининг ашула ва рақслари томошабинларни хушунга этади.

**АМИР ТЕМҮР ХИБОНИ.** Пойтахтимизнинг сўлим қадамжоларидан бири ҳар талғидан тавжум, фойдали бўлди. Миллий шуурини, ўзлигини топётган халқ эрта саҳардан кечга қадар ҳазрат хайкали пойига гулчамбар, гулдасталар қўйди, истиқлолимизнинг уч йиллик тўйи ўтаётган кунларда Ўзбекистоннинг келажаги, истиқбол ва равангини тилаб буюк бобоимиз руҳини ед этади. Санъаткорлар, сўз усталари зияратга келган сайлчиларга сидқидилдан хизмат қўрсатди. Турли савдо растанлари ташкил этилди, зияратчиларнинг лам олиши, қўнғилочар суҳбатлар қуриши учун чойхона, ошхоналар ишлаб турди.

Шу кунги Халқлар дўстлиги, Хадра, Навоий театри майдонлари, Анхор бўйи хибони, Сайлоҳ кўчасида, қўллаб-истироҳат богдариди ҳам халқ сайллари бўлиб ўтди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АҲОЛИСИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол молларининг асосий турлари ва хизматларнинг эркин (шартномавий) нархларга ўтиши тўғаллиниш муносабати билан ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 октябрдан 100 сўм миқдорда ҳар ойлик компенсация тўловлари жорий этилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, ана шу компенсациялар ишлаб турган барча аҳолига, пенсионерларга, олий ўқув юрларининг талабаларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юрларининг ўқувчиларига, аспирантларга, докторантларга, боласи икки ешга етгунча уни парварнишлаш билан банд оналарга, иш билан таъминлашга қўмақлашш муассасаларида рўйхатдан ўтиб, вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига, яъни республикадаги деярли ҳар бир катта ешдаги одамга тўланади.
3. Белгилаб қўйилсинки, компенсациялар ойига бир марта иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, бола икки ешга етгунча уни парварнишлаш ва ишсизлик бўйича нафақалар тўланадиган муддатларда 1994 йилнинг сентябрдан бошлаб тўланади.
4. Ушбу компенсацияларга даромад солиғи солинамаслиги қўзда тутилсин.
5. Компенсация тўловлари билан боглик харажатлар республика бюджетини, ижтимоий сугурта жамғармаси, иш билан таъминлашга қўмақлашш жамғармаси маблағлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
6. Хўжалик ҳисобидига корхоналар ва ташкилотларга молиявий мадад бериш учун компенсациялар тегишли миқдори (100 сўмнинг 50 фоизи республика бюджетини ҳисобидан қопланади. Шу мақсадда даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:
- 7.1. Уч кун муддат ичида компенсациялар тўлашнинг муваққат тартибини ишлаб чиқсин ҳамда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига етказсин;
- 1995 йилги давлат бюджетини лойиҳасини тузиш чоғида ана шу компенсация тўловлари миқдорларини аниқлашга оид тақлифларни ҳукуматга тақдим этсин.
8. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И. КАРИМОВ.**

ТОШКЕНТ ШАХРИ,  
1994 йил 31 август.

## ҚАБУЛЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

1 сентябрь кунини шаҳримиз марказидаги қадимий ва кўркем бинода Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйи очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов катнашди.

Ўзбекистон раҳбари тадбирга тўланган хоржий дипломатларни мамлакатимиз мустақиллиги байрами билан кутлади.

— Ўзига хос меъморий кифога эга бўлган бу бино бой тарихга эга.— деди юртбошимиз.— У 1890 йилда турганингиздек, бино таъмирлардан сўнг янгича чирой касб этди. Эндиликда у халқаро учрашувлар масканига айланади.

Шундан сўнг Ислон Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган

ислохотлар ва галдаги вазифалар ҳақида гапирди. Энг асосий вазифалар мамлакатда ва минтақада тинчлик ҳамда осойишталикни янада мустақамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш эканлигини таъкидлади.

Германия, Федератив Републикасининг Ўзбекистондаги фақуллода ва муктор элчиси Карл Хайнц

Кунга чет эл дипломатлари учун яратилаётган қўлай шарт-шароитлар учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Бош вазир А. Муталов, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, Ташқи ишлар вазир А. Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(Ў.А.)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЕСАТИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСINI ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раесати қарор қилди: Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрь кунини Тошкент шаҳрида чакирисин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 2 сентябрь.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига қўйиладиган масалалар киритилиши қўзда тутилмоқда:

1. Ўн иккинчи чақирик конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида
3. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексини лойиҳаси тўғрисида
4. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексини лойиҳаси тўғрисида
5. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини лойиҳаси тўғрисида
6. "Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида
7. Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари тўғрисидаги кодексини лойиҳаси ҳақида
8. "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида
9. Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида
10. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисида
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раесатининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисида

\*\*\*

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Кенгаш ваколатига берилган бошқа масалалар ҳам киритилиши кутилмоқда.

## ПАХТА ҚАРВОНЛАРИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Халқимизда эрта эккан эрта чиғади, деган ҳаққоний бир ҳикमत бор. Мана шу нақлга амал қилган Пискент тумани пахтакорлари бу йил чигит экишга анча барвақт, вилоятимизда биринчи бўлиб қиришган эдилар. Деҳқонларнинг яхши ниятда бошлаган бу савий харажатлари зое кетгани йўқ. Улар ўз олдларига қўйган мақсадларига эришдилар. Туманда 11 миң 13 гектар ерга экилган пахта ҳосили қўпайганидан ҳам анча барвақт пишиб етилди. Натижада ҳўжалиқларда 1994 йил ҳосилини йиниб териб олишга ҳам вилоятимизда биринчи бўлиб қиришди.

Шу муносабат билан Биринчи сентябрь кунини пискентликлар қўш байрамни нишонладилар. Республикаимиз мустақиллик кунининг шонли уч йиллик тўйига пахта қарвонларининг йўлга чиқиши муносабати билан ҳосил байрами ҳам улашиб кетди. Бу эса ўз навабатида байрамга алоҳида фаёз қиритиб юборди. Эрта тонданок халқ сайлга чиққан пахта аҳолиси пахта қарвонларини алоҳида шоду-хуррамлик билан қўтиб олдилар. Деҳқонларни олқишлаб, қарнай-сурнай навалари таралди. Одамлар турли спорт мусобақаларини, халқ ўйналарини мириқиб томоша қилдилар. Мустақилликнинг мадҳ этиб, ўзбекча, қозоқча ва тожикча куй, қўшиқлар янгради. Тушга яқин туман пахта тўзалаш заводи дарвозаси енида қисқанига митинг бўлиб ўтди. Уни кириш нутқи билан очган шаҳар ҳокими Анвархон Аҳмедов табрик учун биринчи сўзни туман ҳокими Абдумутал Шерматовга берди.

— Бугун туманимиз аҳолиси бир йўла иккита байрамни кенг нишонламоқдалар, — деди ҳоким ўз нутқида. — Уларнинг бири республикаимиз мустақиллигининг шарафли уч йиллиги бўлса, иккинчиси ҳосил байрамидир. Мен ҳар иккала тантана билан барча пискентликларни кизгин кутлайман. Пахтакорларимизнинг бутун бу ерга келтирган биринчи ҳосиллари мустақиллик кунига муносиб совғалари бўлади.

Шундан сўнг сўзга чиққан "Ўзбекистон мустақиллиги" жамоат ҳўжалиғи раисаси Зарифа Деҳқонбоева, уруш ва меҳнат фахрийси, езувчи Маждид Самадов, туман пахта тўзалаш заводи директори Юсуф Одилов ҳамда меҳмон сифатида байрамга ташриф буюрган Жанубий Қозғистон вилоятидаги Ардабас туман ҳокимининг биринчи муовини Низомидин Примовлар ҳам пахтакорларни қўш байрам билан муборакбод этдилар. Бир гуруҳ меҳнат илгорлига вилоят ҳокимининг Фахрий ерликлари топирилди. Митинг тугагач, завод дарвозасига тортилган лента қирқилди. Отаҳонларнинг яхши тилақлар билдириб берган оқ фотихалари билан пахта ортлган тележжлар завод ичкарасига йўл олдди. Тантаналарда вилоят ҳокими Мирзаумурод Бердимуродович Икромов катнашди.

**И. ТОШЕВ,**  
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус муҳбири.

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

(Боши 1-бетда).

эзу орауни эди. Яратганга шукрки, ана шу улут орауна эришдик. Шу маънода, 1991 йилнинг 1 сентябри — Президентимиз Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилган кун ўзбек халқи тақдирда туб бурилиш нуқтаси бўлди. Чунки бу улут кун бизнинг рўшноликка чиқишимизга, кўксимизга озодлик шамоли тегишига, ўзлигимизни англашга, диеримиз, халқимиз, унинг тарихи, хозирги кунга ва келажиги ҳақида ўйлашимизга, сўйлашимизга шароит яратди. Шу боис, Мустақиллик кунини — катта халқнинг, катта мамлакатнинг катта ғўйидир.

Тўй — тўенаси билан ғўзал, дедай халқимиз. Бутун ўлка — шаҳар ва вилоятлар, кишлоқлар, маҳаллалар истиқлолнинг уч йиллик айёмини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрди. Республика бўйлаб катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Байрам арасида жойларда янги мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, турар-жой йиғилари, санат корхоналари, хорижий технологияга асосланган телефон алоқа тармоқлари қуриб битказилди. Минглаб километр газ ва тоза сув қувурлари тортилди. Кишлоқларимизда шинам ва обод чойхоналар, дўконлар, савдо расталари қад кўтарган бўлса, шаҳарларда янги мавзёлар барпо этилди, хашаматли шохбеклар тикланди. Йўлларда хорижий қўлай ва бежирим автоуловлари катнай бошлади.

Мамлакатимиз пойтахтида қисқа фурсатда жаҳон андазоларига мос теннис кортининг қуриб битказилиши ва бу янги ишоотда бўлиб ўтган «Ўзбекистон Президентини кубоги» халқаро теннис мусобақиси Ўзбекистон кенг миқёсдаги халқаро спорт ўйинларини ўтказишимиз

уддасидан чиқа олишини яна бир қарра исботлади. Байрам арасида жойларда янги ва маҳобати спорт ишоотлари қурилишига ҳам катта аҳамият берилди.

Қадимдан мамлакат, вилоят, шаҳарларга унинг бозорига қараб баҳо бериш одат бўлган. Чунки бозорга қараб мамлакат қудрати, аҳоли турмуш тарзи, давлат сиесати тўғрисида аниқ хулоса чиқариш мумкин. Иктисодий ислохот ибтидоидан бозор, улдаги аҳвол юртбошимизнинг эътиборида турди. Натижада юрт бозорларига, аждоллар замонидан бўлганидек, фаровонлик, тартиб, озодлик, ҳалоллик, адолат мезонлари кайтмоқда. Байрам олдидан мамлакатимизда қўпба усти ёпик ва очик бозорлар қурилди, мавжудлар эса кентайтирилди. Тошкент шаҳрининг гавжум гўшаларидан бири — Олой бозори миллий усулда кайта тикланди.

Улуг айём олдидан пойтахт кўчалари, хиебонлар, маҳалла ва мавзёлари саришта қилиш, уларга байрамона кўрк беришга алоҳида эътибор қаратилди. Уттизга яқин ишоот қурилди ва таъмирланди. Эндиликда Амир Темуру хиебонидан ўрнатилган фавворалар бобомиз руҳини тавоб этгани келган сайилларнинг кўнглини хушнуд этиши шубҳасиз. Айни вақтда, буюқ алоҳида Мирзо Улугбек майдонини ҳам гўя қисқа вақт ичда ғўзал ва обод меканга айланди.

Байрам арасида Президентимизнинг фармонида буюқ бир гуруҳ ватандошларимиз мустақил мамлакатимизнинг яқинда таъсис этилган илк орден ва медаллари билан тақдирланиш тўғрисида хушбагар тарқалди.

... Майдон узра тикланган гўмбазли миноралардан, шу

минорлар пештоқидида «Ўзбекистон — келажиги буюқ давлат» дея битилган баҳорати каломлар ҳам егду таралди. Борлиқни қамалаш жиллолари қоллайди. Куй, қўшиқ, ранг, хис-хаяжон, фаҳр-гурур, кувонч — ҳаммаси уйғунлашиб кетади.

Майдон марказидаги улкан сахнага ширин-шакар қичқинтойлар чиқиб келади. Улар ижро этган кўшиқ-ракс гулдасида юртимиз келажигини кўз ўнгимизда намоён этгайдек бўлади.

Маълумки, 1994 йил ЮНЕСКО томонидан оила йили, деб эълон қилинган. Азалдан болажон ўзбек хонадонидан ўсаётган фарзандлар турмуш, меҳр, иззат кўриб воғта етмоқда. Соғлом алоҳиди тарбиялаш, шунингдек, хозирги ўтиш даврда айниқса фарзандларимизни хар томонлама иктисодий муҳофазалаш йўлида республикамиз ҳукумати қўпба олижаноб тадбирларни амалга оширяпти. Шу ўринда, Президентимизнинг «Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги байрам арасида чиққан Фармонини эста олиш қиёғарид.

Қузак, одатда, дехқонларга йингим-терим палласи бўлгани каби уч йилдан буюқ мустақиллик байрами юртимиз санъаткорлари учун ўзига хос сарҳисоб мавсумига айланган қолди. Ўтган йилги тантаналарда пойтахт ва вилоятлардаги энг машҳур санъаткорлар, хофизлар, бадий жамоалар маҳоратини намойиш этган бўлса, уч йиллик байрам шодиеваларида янги санъат гўнчаларини сахнага олиб чиқишга асосий эътибор қаратишга. Оқшом томошаларида етти мингта яқин санъат соҳибига ва ҳаваскорлар ш-

тирок этди.

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайриликдир». Улуг адибимиз Абдулла Қодирийнинг китобхоналаримиз суйиб ўқийдиган асаридан олинган ушбу нақл билан яқин кечилишимизни хикоя қилувчи тарихий сахна бошланади. Халқимизнинг катта хашар — Фаргона канали қурилиши, иккинчи жаҳон уруши давридаги машаққатли, аммо фидокорона меҳнати театр артистлари ижросида гавдалантирилди.

Республикамиз раҳбаритининг юртимизда барқарорлик, турли миллат вакиллари ўртасида тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти энг оқил ва тўғри сиесат эканини бутун жаҳон тан олмақда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бир қанча миллат вакиллари истиқомат қилади. Истиқлол шарофати тўғрисида ўзбек халқи билан тенга-тенг, енма-ен хуриликка эришган мазкур халқларнинг қўпба миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Кечда диеримизда шўаётган турли-туман халқларнинг қуй ва кўшиқлари янгради, рақслари намойиш этилди.

Махсус трибунадаги ўсимлар сийқитаетган ранг-ранг яловлар ҳавога «Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик» сўзаларини нақш этди. Бу — Ўзбекистон ташлаған ўзига хос таракқиет йўлининг уч сеҳрли сўзлағи, мужассамидир. Ўзбекистоннинг дуненинг 160 дан энг давлати тан олди ва уларнинг 80 дан ортинги билан дипломатик алоқа ўрнатилди. Бугун республикамиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатлар орасида АҚШ, Буюқ Британия, Франция, Япония, Хитой, Хиндистон, Туркия, Эрон, Покистон каби йирик давлатлар бор.

Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Шу йилнинг ўзидек Франция ва Корея Республикалари Президентлари Франсуа Миттеран ва Ким Ен Сам, Хитой Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн ва бошқа олий мартабали меҳмонлар юртимизга ташриф буюриб, халқимиз ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишдилар. Ўз навбатида республикамиз Президентини Ислам Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Англия, Франция, Япония, Хиндистон, Россия ва Туркияга расмий ташриф буюриб, ўнлаб шартнома ва битимлар тузиб қайтди. Қисқа қилиб айтганда, хур Ўзбекистон уч йиллик мустақиллик даврида ўзининг тинчликсевар, яқин кўшничлик, ўзаро фойдалани ҳамкорликка қаратилган сиесати ва фаолияти билан дунёда эътибор қозонди.

...Пойтахтнинг бош майдони улкан чироклар энесидан нурафшон.

**ЎЗБЕК ДИЕРИДАН УЧАР САДОЛАР, УЛАРНИ ЖАҲОНГА ЁЙР САБОЛАР.**— Катта сахнага Қорақалпоғистон ва вилоятлар санъат намойндалари кириб келади. Бу йилги байрам шодиеваларида вилоятлар санъат аҳли ҳам пухта хозирлик кўрди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган артистлар, бадий хаваскорлик жамоалари кўп миллатли ўлкамизда яшовчи барча халқларнинг урф-одатларини моҳирона талқин этадилар, Бу қадимий маданиятимиз сарчашмаларига нигоҳ ташлаш имконини беради. Куй қўшиққа уланади.

Юртимизнинг таникли эстрада юлдузлари иштирокдаги томошалар байрам тантаналарига ўзгача тароват бағишлайди. Сахнага нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари худудида, хатто жаҳонга донги ёйилган машҳур ўзбек эстрада ижроичилари чиқадилар. Байрам аҳли Фаррух Зокиров ва «Ялла» гуруҳи, Юлдаз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззокова ва бошқаларнинг маҳоратини, санъатини олқишлайди.

Борлиққа тун чўқмоқда. Самода оловли «мажнунтолар» пайдо бўлади. Мушақлар отилиб, ана шундай ғўзал манзаралар кўзни олади. Бу мислсиз томоша хеч кимни бефарж қолдирмайди.

«Хар бир одам байрамда иштирок этар экан, унинг юраги шундай буюқ юртнинг фарзандиман, дея жинзилламоғи, енмоғи даркор. Мен Ўзбекистон деган мамлакатнинг ватанпарвариман, шу азиз ва мўътабар ватан учун шохимни ҳам фидо қилишга тайёрган, деган туйғу унинг бутун вужудини қамраб олиши керак. Токи бизга унча хайрихоҳ бўлмаганлар ҳам байрамни кўриб, Ўзбекистон келажиги буюқ давлат эканини хис этсин»,— деган эди мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов.

Дарҳақиқат, мустақиллик кунини байрамини бу қадар катта тантаналар билан нишонлашнинг рамзий маъносига бор. Зотан, буюқ байрамнинг тантанаси ҳам буюқ бўлади. Бош майдонда юксак савияда ўтган истиқлол байрами унда бевосита иштирок этган ва айни пайтда, республикамиз ойнаи жаҳони орқали бу томошалардан бир олам завқу шавқ олган миллионлаб кишилар қалбига Ватанга, мустақилликка нисбатан ифтихор хиссини уйғотди. Бу шодиевалар халқимизнинг едида умбод сақланган қолажак.

Байрам тантаналари республикамизнинг барча шаҳар ва кишлоқларида давом этади. (УЗА).



Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан бўлган тантаналардан ўЗА мухбирлари А. Зуфаров ва Ф. Курбонбоев олган суратлар.



## Иброҳим ҒАФУРОВ, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати

Мамлакатимиз қиёғасини белгилайдиган ва мустақиллик йўлини аниқлаб берадиган икки оғил бор: Биринчиси — жаҳон таърибаси, иккинчиси эса минг йиллар давомида шаклланган ҳаётий анъаналаримиз, халқимизнинг таваққури ва маънавиятидир. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли деганда ана шу икки нарсасга алоҳида эътибор қаратаётгани беҳис эмас. Ҳўш, маънавият нима ўзи? Таваққур ва ўтмиш тарихини мустақилликка боғлаш ҳаётини нимада? Танқиди таққиди, Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати Иброҳим Ғафуровнинг мухозаасари ана шу ҳусусда.

...ЭРТАЛАБ езувчиларни олиб Тошкентдан йўлга чиққан машина Ғазалкентдан ўтиб-ўтмай чапга, сарғайиб бораётган баланд адирларга томон ўрлади. «Енгил ҳарир туман билан ўралган тоғлар, уларнинг ажиб тизма ва чўққилари бу ердан жуда фусункор кўринади. Тоғларнинг этакларини қоплаб етган зумрад боғлар ва боғлардан ҳам зумрадқор бўлиб туюладиган экинзорлардан кўзга тароват, қўтлут хислар етгилади. Сувлар эса шаффоф, табиат гўе энг тоза ва энг шифобахш дурларини суюлтириб оқизаетганга ўхшайди.

Бу ерларнинг ҳамма одамлари шоир бўлиши, тўғрироғи, шоир табиатли бўлиши, рассом бўлиши, тўғрироғи, рассом табиатли бўлиши, донишманд бўлиши, тўғрироғи, донишманд табиатли бўлиши керак, деб ўйлаб бораман.

Худо ўзининг бундай ғўзал деса ғўзал, саҳий деса саҳий, тароватли деса тароватли, шариф деса шариф ер-сувларини то этган одамлар ҳам шунга муносиб ақл, шунга муносиб қалб, шунга муносиб муносабатлар эгаси бўладилар, деб ўзимни ишонтириб бораман.

Жаннатнинг суврати балки шу ерлардан олингандир. Ер юзидан бундай чиройли жойлар кўп, эҳтимол бундан ҳам кўра чиройлироқлари бордир, лекин менга худди мана шу ерларда ердан, ҳаводан, сувлардан кут егилаетганга ўхшайди. Негаки, билимми-билимайми кўнғил дарвор ўсади бу ерларда. Кўнғил тоғлар қадар ўсади бу ерларда. Кўнғил баракайи неъмат етилиб етган боғлар қадар ўсади бу ерларда.

Бу ерларда... бу ерларда одамлар бепарво бўлишлари мумкин эмас деб ўйлайман. Бу

алақандай зулим, разолат, қабиҳликлар борлиғига ишонгим келмайди, уларни тан олгим, уларни эслагим келмайди. Ҳаёт абадий ғўзалликдан яралган ва абадий ғўзалликка қайтади ва бу чексиз-чексиз давом этади. Разилликлар жуда ўткинчи ва мутлоқ хеч нарсасга арзимайди, хеч нарсасга... Аслида ҳам шундай.

Болалик — мустақиллик. Етуқлик — мустақиллик. Маърифат, маънавият, юксак маданият, иш билими, юрт билими — мустақиллик.

Нодонлик, ақлсизлик, гайратсизлик мустақиллик эмас. Ножидийлик — мустақиллик

Бундай нарсаларни ҳавас қиладиган одамлар мустақил бўлолмайдилар. Бундай нарсаларни ҳаёт ва умр дастури қилиб яшайдиган одамлар хеч қачон мустақил бўлолмайдилар.

Мустақиллик бу — тинимсиз самара, тинимсиз меҳнат ва самара. Мамлакат микесидоғи самара, миллат микесидоғи самара. Халқ микесидоғи самара. Дунёга чиқадиган, дунё тан оладиган ва дунёга таятидиган самара.

Халиги уч тул олтин олма. Шундоқ, қўл бўйида Шундоқ мулошида. Айтарли муҳофиза қилинмаган. Кўчадан ўтиб кетаетганлар бемалол, хеч бир кайналмай ўзиб олишлари мумкин. Лекин боғбон уларни кўчадан ўтадиганлар ўзиб олишлари, пайхон қилишлари мумкин-ку деган фикрни ҳаёлига келтирмаган. У Хондайлик одамларига ўзига қандай ишонса шундай ишонди. Олмалар юлдузлар мисоли терилиб олтиндай тоғлидан етибди. Кўзни қиздиради. Нафсини қитқилмайди. Лекин хеч ким уларга тегмайди. Хеч ким эгасини шамгалат қилиб қочиб кетиши ҳаёлига

насихат қил... Ўз нафсига насихат қила оладиганлар ҳеч қачон буюқ кўчаларга кирадими, халқнинг ризқини ейдими, юртнинг молини талайдими ўз нафсига насихат қила оладиганлар! Бир улуг мамлакатнинг бож-хироғига тенг гап эмасми бу! Ўзимизга, болаларимизга, юрт ишоити олганлар барчамизга хар кун, хар соат такрорлаб турадиган сўз эмасми бу!

Маънавиятимиз, миллий маънавиятимиз илдизлари деганда нимани тушунамиз? Шу сўзларни тушунмасак, шу сўзларни ўзимизга, хар биримизга йўдош, раҳнамо, мураббий қилиб олмасак!

Амир Темуру ҳазратлари хайкириб етадилар: Алдаганларни ва алданганларни баравар жазоланглар деб! Алдш разолат бўлганидек, алданш ҳам разолат экан. Миллий онгимиз ҳўқматлар ҳазиналарини яратган.

Ҳазиналар яратган ва яратадиган миллат ва халқнинг эса ожиз, нотаовон бўлишга ҳаққи йўқ.

Ҳазрат Расулulloҳнинг Ухуд газотида яраланмаган жойлари қолмади. Эътиқод ва имоннинг буюқ ва тенгсиз қудратидан булса керакким, жанг чоғи ҳам тинмай ваҳий келиб турди. Энг оғир дамба жаноби пайгамбаримиз: «Ислому устуни бўлғай, остин бўлмағай!»— деб хайкирдилар.

Шу нидо — нидо, ҳамон барча ер юзининг имонлилари қалбига жаранглаб туради. Ислому деб жаноб пайгамбаримиз ғўзал ҳўлқ, ғўзал имон, ғўзал эътиқод, ғўзал инсоний фазилатларни, мардлик ва матонатни назарда тутилди.

Биз ҳам миллий маънавиятимиз, шунга маданиятимизга шу каби улдунвор инсоний хислатларни дастуриламал қилиб олганмиз. Дастурини бошлаб, тамал тошини қўйиб берганлар ҳақида ҳам, уни фидойи бир қудрат билан давом эттираётганлар ва халқни жуда катта максадлар сарни бошлаб бораётганлар ҳақида ҳам, шу қўтлут байрам кўнларига кўксимизни тунлириб хайкиришга ҳақимиз. Маънавият ҳақида устуни бўлғай, остин бўлмағай!

## ОҚҚЎРҒОННИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Хар бир халқнинг ўзи топинадиган эозоли удумлари, муқаддас байрамлари бўлади. Биз учун ана шундай мўътабар айёмлардан бири — мустақиллик кунидир. Бу йил эрксевар, заҳматқаш халқимиз бахт қуеши нур сочган ўз истиқлолини учинчи бор байрам қилмоқда.

Оққўрғон туманининг қаерида бўлманг, қайси қўрғон ва қайси дегадан нимани тушунамиз? Шу сўзларни тушунмасак, шу сўзларни ўзимизга, хар биримизга йўдош, раҳнамо, мураббий қилиб олмасак!

Амир Темуру ҳазратлари хайкириб етадилар: Алдаганларни ва алданганларни баравар жазоланглар деб! Алдш разолат бўлганидек, алданш ҳам разолат экан. Миллий онгимиз ҳўқматлар ҳазиналарини яратган.

Ҳазиналар яратган ва яратадиган миллат ва халқнинг эса ожиз, нотаовон бўлишга ҳаққи йўқ.

Ҳазрат Расулulloҳнинг Ухуд газотида яраланмаган жойлари қолмади. Эътиқод ва имоннинг буюқ ва тенгсиз қудратидан булса керакким, жанг чоғи ҳам тинмай ваҳий келиб турди. Энг оғир дамба жаноби пайгамбаримиз: «Ислому устуни бўлғай, остин бўлмағай!»— деб хайкирдилар.

Шу нидо — нидо, ҳамон барча ер юзининг имонлилари қалбига жаранглаб туради. Ислому деб жаноб пайгамбаримиз ғўзал ҳўлқ, ғўзал имон, ғўзал эътиқод, ғўзал инсоний фазилатларни, мардлик ва матонатни назарда тутилди.

Биз ҳам миллий маънавиятимиз, шунга маданиятимизга шу каби улдунвор инсоний хислатларни дастуриламал қилиб олганмиз. Дастурини бошлаб, тамал тошини қўйиб берганлар ҳақида ҳам, уни фидойи бир қудрат билан давом эттираётганлар ва халқни жуда катта максадлар сарни бошлаб бораётганлар ҳақида ҳам, шу қўтлут байрам кўнларига кўксимизни тунлириб хайкиришга ҳақимиз. Маънавият ҳақида устуни бўлғай, остин бўлмағай!

## Байрам йўқдамаси

Ватан хирмонига қарийб 40 минг тонна пахта тўқадилар. Далаларга 350 та «терим машинаси чикарилади. Пахта ташийдиган 1140 та тележка хозирдаёқ мавсумга тахт қилиб қўйилган. Йингим-терим ишлари конвейер усулида ташкил этилди.

Истиқлол шарофати тўғрисида дала меҳнатқашлари хеч бир тарих қўрмаган қонуний эркинлик ва ҳуқуқларга, катта имтнезларга мушарраф бўладилар. Мулкка эғалик қилиш шакли ўзгарди. Хусусийлаштириш кенг кўламда олиб борилмоқда. Иктисодий ривожланиш дастурининг асосий бўғини ҳисобланган фермер (деҳқон) ҳўжаликлари мулкчиликнинг ана шундай янги шаклидир. Хозир туман худудида мустақил 156 та фермер (деҳқон) ҳўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда. 178 та фермер (деҳқон) ҳўжалиғи эса, жамоа ҳўжаликлари таркибидан шартномалар асосида иш юритмоқда.

Туманда қурилиш, ободончилик, маориф, маданият ва бошқа соҳалар ҳам ривожланмоқда. «Озод», «Султонобод», Х. Олимовно номли жамоа ҳўжаликлари ва Оққўрғон шахрида 5,5 километр узунликда юқори босимли газ қувурлари тортилиб, магистрал газ қувурига уланди. С. Сегиэбоев номли халқ корпорацияси, «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси, Бегубор оппоқ пахта чаноғи Байрам гулдасидаги банисоли нурдек беэади.

Бу йил оққўрғонлик пахтакорларнинг шашти бўлақча. Кунин кеча туманининг барча меҳнатқашларига қарата мурожаат қабул қилинди. Бу йил ташкилотлар, муассасалар, мактаблар, ўқув-билим юртлари ва бошқа идоралардан жами 2,5 минг киши пахта теримида иштирок этади. Уларнинг меҳнати Президентимизнинг яқинда эълон қилинган фармонида буюқ муносиб рағбатлантирилди.

Бу йил туман пахтакорлари Кашлоқ ҳўжалиғидаги мана бу энг сўғити янгиликлар айниқса, диққатга сазовор. Байрам арасида туманда ургултиқлар услуби асосида бунед этилган 30 та аҳолига савдо ва машиий хизмат кўрсатиш объектилари фойдаланишга топширилди. «Озод» ва Навоий номли жамоа ҳўжаликларида 230 ўринли иккита янги болалар боғчаси қичқинтойларга ўз эшикларини очди. 8085 квадрат метр ҳажмидаги турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Туман марказида ёзлик кино-концерт зали ва катта спорт сув ҳавзаси қурилиб ишга туширилди. Бунедкорлик ишлари давом этмоқда.

Ҳама бойлиқларнинг манбан — меҳнат. Аҳолини иш жойлари билан таъминлаш ана шу йўлдаги хайрли савб-ҳаракатдир. Шу йилнинг ўзида Оққўрғон туманида 36 та қичқил қорхоналар ишга тушди, 452 та қўшмача иш ўринлари барпо этилди. Гўлам цехлари, жувозонналар, дурадгорчилик, поабзаллар, электр жиҳозларини таъмирлаш устaxonалари, тикувчилик, атлас, шолча тўқиш ва кийиз босиш цехлари, қудолчилик ва шу каби бошқа ердамчи қичқил қорхоналар шулар жумласидандир. Бошқача талқин қилинган, туманда санатни кишилоққа олиб киришга эътибор қулаймоқда.

Ота-боболаримиздан қолиб келаетган савобли бир анъана бор. Байрам кунлари ижтимоий химояга муҳтож ва ногирон кишиларга, ҳам таъминланган ва бокувчи йўқ оилаларга меҳр-муруват ва оқибат кўрсатишга одатланганмиз. Ана шу олимжаноб инсоний фазилат нуқтаи назаридан туманда ҳаммаси ердан жамағамаси ташкил этилди. Байрам арасида ердамга муҳтож ана шундай оилалар, йўқланди, уларга хайрия соғвалари улашилди.

Кексаларимиз, меҳнат ва уруш фахрийларимиз давралар тўрида, иззат-икромда бўлиши.

... Байрам маросимида бир гуруҳ кишиларга муҳиматимиз ва туман ҳокимлигининг фахрий ёрликлари топширилди.

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## МАЪНАВИЯТ УСТУН БЎЛҒАЙ, ОСТИН БЎЛМАҒАЙ

учун келаяпмиз. Кўчалар... Бурилиш кетидан бурилиш. Бир бурлиганимизда кўзим арақлаб кетди. Шундоқ мулошининг ўзида қичқинагна сайхонликда уч тулпина олма... уч тулпина пастақкина олма дараклариди... хайли барча шохлари эғилиб-эғилиб тушгандан менга шундай пастак туюлгандир... олмаларнинг барча шохларига осмоннинг энг ярқирок, энг ғўзал юлдузлари меҳмон бўлиб тушганга ўхшарди.

Болалик чоғларимда бизнинг Тешиқпоқко томонларда хар богда шундай олмалар бўларди. Боғларнинг ҳиди август-сентябрь ойларидан бошларни айлантириб юборар, боғларда худди мастларга ўхшаб ўйнар эдик У боғлар ортиқ қолмаган... лекин... лекин бу ерларга... Хондайлик томонларга кўчган эканда у боғлар, у олмалар... Нега, билмайман... мен аста-аста, ўзини ва хомиласини авайлаб бораётган аелни кўрганда шундай тўлиб кетаман. Нега, билмайман... мен шундай хар шохиде бир сатил олма кўтариб турган олма дарактининг кўрганда шундай тўлиб кетаман. Ҳаётда

эмас. Бундай нарсаларни ҳавас қиладиган одамлар мустақил бўлолмайдилар. Бундай нарсаларни ҳаёт ва умр дастури қилиб яшайдиган одамлар хеч қачон мустақил бўлолмайдилар.

Мустақиллик бу — тинимсиз самара, тинимсиз меҳнат ва самара. Мамлакат микесидоғи самара, миллат микесидоғи самара. Халқ микесидоғи самара. Дунёга чиқадиган, дунё тан оладиган ва дунёга таятидиган самара.

Халиги уч тул олтин олма. Шундоқ, қўл бўйида Шундоқ мулошида. Айтарли муҳофиза қилинмаган. Кўчадан ўтиб кетаетганлар бемалол, хеч бир кайналмай ўзиб олишлари мумкин. Лекин боғбон уларни кўчадан ўтадиганлар ўзиб олишлари, пайхон қилишлари мумкин-ку деган фикрни ҳаёлига келтирмаган. У Хондайлик одамларига ўзига қандай ишонса шундай ишонди. Олмалар юлдузлар мисоли терилиб олтиндай тоғлидан етибди. Кўзни қиздиради. Нафсини қитқилмайди. Лекин хеч ким уларга тегмайди. Хеч ким эгасини шамгалат қилиб қочиб кетиши ҳаёлига



Мактабларда янги ўқув йили бошланди

КЕЧА вилоятимизнинг ҳамма мактабларида янги ўқув йили бошланди. Биринчи машғулотлар "Ватанни севмоқ иймондандир" мавзусига бағишланди. Муаллимлар республика мустақилликка юз туггандан буён эришилган ютуқлар, рўй берган ўзгаришлар тўғрисида ўқувчиларга сўзлаб бердилар.



Байрам илҳоми МУСТАҚИЛ ДИЁРИМ

Мустақил диёрим тўлиқ уч ешга. Хурсанди толейдан, хурлик, зафардан. Эркинлик турнини кўтариб бошга. Жахонга боқадан эрта сахардан.

Бошига кўнгандай бахт куши — Хумо Ишонч-ла одимлар истиқболга. Жаҳонгир Темур-у, Улутбек Мирзо Иқбол тилгандай Истиқлолга.

Тошкентнинг энг гўзал хиебониди Кад ростилаб турибди Навоий бобо. Унинг зарбоф тўни ҳамон эгинда Нуроний юзидан таралур зие.

Тўрт тараф — дуненинг гарби, шарқидан Мехмонлар келишар уни кўргали. Утар Сирдарёдан, Аму наҳридан Мухташам саройда суҳбат курғали.

Минбардан учади оташин сўзлар Мустақил давлатнинг миллий тилида. Туркистон ўйлаган маррасин кўзлар, Қадимий забардаст Турон элида!

Арслон УМАРОВ.

ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ

Истиқлол тўғайди кулади қоя. Бошимиз устидан ариди соя. Ёрут кунлар келди мана-ниҳоят, Халким, истиқлолнинг бўлсин муборак!

Порлаб турганда бошда куешинг, Инсофга чақириб кекса-ю ешин, Энди беш ўғлоннинг қовушур бошин, Халким, истиқлолнинг бўлсин муборак!

Оранга ҳеч маҳал тушмасин нифок Барча миллатлар дўст ва интифок. Беш ўғлон — Туркистон — бўлсин иттифок Халким, истиқлолнинг бўлсин муборак!

Бари орда қолди деган рост бўлсин, Элим, деган боланг сенга бош бўлсин. Халол топиб еганинг фақат ош бўлсин, Халким, истиқлолнинг бўлсин муборак!

Фақат тўй бўлсин, ҳеч ҳам бўлмасин, Сени Темур руҳи хар дам кўлласин. Оллоҳ ишимизни энди ўнгласин, Халким, истиқлолнинг бўлсин муборак!

Обиджон ЮСУФ.

МАНГУ ОМОН БЎЛИ

Сен азиз халқимнинг асрий орузи. Ҳақиқат нуридан, юрак кўзугиси, Оналар қувончи, гўдак кулгуси, Истиқлол, сенга бахт мангу ер бўлсин, Кучоғинг зафарга, шарафга тўлсин.

Навоий, Хоразмий кутди кўп замон, Шох Бобур тополмай бўлди саргардон, Машраб, Фуркатларнинг бағри тўла қон, Истиқлол, сенга бахт мангу ер бўлсин, Кучоғинг зафарга, шарафга тўлсин.

Ўзгинг англади-эллим эл бўлди, Топтаган, бекадр тилим тил бўлди, Оллоҳни ҳақ билган дилим дил бўлди,

Истиқлол, сенга бахт мангу ер бўлсин, Кучоғинг зафарга, шарафга тўлсин.

Ниҳоят, юртимда инсон аталдик, Қул эдик, илк бора сарбон аталдик, Бол томанг болларга болгон аталдик, Истиқлол сенга бахт мангу ер бўлсин, Кучоғинг зафарга, шарафга тўлсин.

Мангу омон бўлсин бу голиб бошинг, Асрлар балқисин сўнмас куешинг, Камол топ, саодат, иқбол йўлдошинг, Истиқлол, сенга бахт мангу ер бўлсин, Кучоғинг зафарга, шарафга тўлсин.

Анора ПАРДАБОВЕВА.

Спорт Рустам Қосимжоновнинг янги ғалабаси

Тошкентлик шахматчи Рустам Қосимжонов навбатдаги мусобақадан олтин медаль билан кайтди. Ун тўрт яшар спортчи бу юксак мукофотни Катар пойтахти — Доҳада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида қўлга киритди.

Рустам мусобақанинг якунловчи ҳисмида етти имкониятдан бешта хол тўплаб, барча ўйинчиларни орда қолдирди. Ўзбекистонлик еш спортчига эсдалик куботи ва олтин медаль топшириди.



давлатимиз ҳаётидаги ана шу шонли воқеага бағишлайман. Т. ГОЛУБКИНА, ўза мухбир.

ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for electronics and appliances, featuring logos for SONY, PANASONIC, SHARP, PHILIPS, SUPRA, and SAMSUNG. Text includes 'Савдо мажмуаси' and 'Жаҳондаги еттичи фирмалардан SONY, PANASONIC, SHARP, PHILIPS, SUPRA, SAMSUNG...'.

Advertisement for 'UY SOTAMAN' (Home Goods) featuring a list of products like '13.5 сопиқхи ери бўлган 4 хонали уйи сотаман' and 'Манзилмиз: Назарбек, Мухсим Мусаев бекати...'.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 5
ЎЗТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништирилади:
19.50 "Болалар".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза".
Телесериал.

Сешанба, 6
ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Теримга шаймисиз?".

филм.
23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал. "Нефтчи" — "Янгир".
00.50 — 01.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништирилади:
19.50 "Мультфейверк".

Чоршанба, 7
ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Тулгунчалар". Болалар учун концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Тулгунчалар". Болалар учун концерт.

18.55 "СБ" жумбоги.
19.10 Пушкин мавзуларида фантазиялар.
19.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништирилади:
19.50 "Мультфейверк".

8.30 "Белгиланган курсдан бораёямиз". Бадий фильм.
9.55 "Ўзбекистон — гуллаган бог", "Айем нафаси".
Телефильмлар.

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"ОМАД" таништирилади:
19.50 "Омад" таквими.

Жума, 9
ЎЗТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

18.55 "Шукрулло".
"Ўзбектеелефильм".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

ЎЗТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
"Тошкент" студияси таништирилади:
19.50 "Излаган имкон топади".

8.30 "Оққўнғил кишилар". Бадий фильм.
9.50 "Барҳаёт наволар". Тўхтасин Жалилов.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Кўшигим, жон кўшигим".
18.50 "Ёшлик" студияси. "Садо".

ЎЗТВ II
9.00 "Мультфейверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.

таништирилади:
ШАНБА ОҚШОМИДА
19.50 Болалар учун. "Табасмум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ III
10.00 — 12.00
18.00 — 23.30
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.45 "Ушангача ва ундан сўнг".
18.40 "Коламбия пикчерс" таништирилади.

ЎЗТВ I
6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

ЎЗТВ III
10.00 — 12.00
18.00 — 23.00
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

Advertisement for 'Тошкент ҳақиқати' (Toshkent Haqiqati) newspaper, including contact information for the printing house and distribution points.